

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатасининг
ДЕПУТАТИ



ДЕПУТАТ
Законодательной палаты
Олий Мажлиса
Республики Узбекистан

100035, Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 1-уй

100035, г. Ташкент, улица Бунёдкор, дом-1

№ 14/08-55

« 1 » июнь 2018 й.г.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазири
У.И. Иноятовга

ДЕПУТАТ СЎРОВИ

(“Парламент назорати тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Қонунининг
15-моддаси асосида)

Маълумки, 2017 йил 12 июлда Олий Мажлис аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда мухтарам Президентимиз парламентимиз хақикий демократия мактабига, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айланиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эдилар. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномасида парламентга қонунлар, давлат ва ҳудудий дастурларнинг жойларда ижро этилишини назорат қилиш, аниқланган муаммолар ёки сайловчилар кўтараётган масалани тегишли қонунлар қабул қилиш йўли билан ёки ижро ҳоқимияти олдига масалани қатъий қўйиш билан халқ этиш кераклиги тўғрисида бир қатор вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур топшириқларига кўра депутатлар томонидан ҳар ойда 10-12 кун белгиланган ҳудудларда аҳоли билан бевосита уйма-уй юриб учрашувлар ўтказилмоқда ва тегишли соҳалар ўрганилмоқда. Шу билан бирга, ҳар бир депутат ўз сайлов округидаги сайловчилар билан ҳам учрашиб, мавжуд муаммоларни халқ этиш чорасини кўрмоқдалар.

Мен жорий йилнинг 28 май куни **Фарғона вилоятининг Бешарик туманида** аҳоли билан учрашдим.

Мазкур учрашувлар жараёнида тумандаги айрим таълим муассасаларидаги мавжуд муаммолар юзасидан мурожаатлар бўлди ва улар таҳлил қилинди.

Жумладан, тумандаги **9-умумий ўрта таълим мактаби** 2016 йилда инвестиция дастури асосида мукамал таъмирдан чиқарилди ва 315 ўринли қўшимча мактаб биноси қурилди. Шу йили мактабга спорт зал ҳам қурилиши керак эди, лекин қурилмади. 2017 ва 2018 йилларда спорт зал қурилиши учун

зарурий хужжатлар такдим этилган, лекин курилиш ишлари hozirги кунга кадар бошланмаган.

Хозирги кунда мактабда **850** нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг спорт билан шугулланишлари учун эса шароит йўқ. Бир гуруҳ ота-оналар менга мазкур муаммони ҳал этишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдилар (илова қилинади).


Хурматли Улуғбек Илясович!

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда Сиздан, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонунининг 12-моддаси ҳамда “Парламент назорати тўғрисида”ги Қонунининг 15-моддасига мувофиқ, юқоридаги масалани кўриб чиқиб, ушбу муаммони ижобий ҳал этиш бўйича белгиланган чора-тадбирлар хақида **10 кун муддат** ичида асослантирилган ёзма жавоб беришингизни сўрайман.

Илова: 1 varaқ.

Хурмат билан,

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати



М.Ходжаева